

**Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги
“Ўзавиация” агентлиги томонидан 2020 йилда келиб тушган жисмоний
ва юридик шахслар мурожаатларни кўриб чиқилиши юзасидан
М А Ъ Л У М О Т**

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Фуқаро авиация агентлиги томонидан жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатларнинг Қонунда белгиланган тартибда ўз вақтида ҳар томонлама ва сифатли кўриб чиқилиши таъминланмоқда.

Фуқаро авиация агентлигига жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар таҳлили шунингдек, 2020 йилда жами **23 та** мурожаат келиб тушган. Мазкур мурожаатларнинг **10 таси** Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси орқали, **10 таси** ёзма, **1 таси** электрон шаклда ҳамда **2 таси** расмий веб-сайти орқали келиб тушган мурожаатларни ташкил қилади.

2020 йилда келиб тушган мурожаатларнинг **19 таси** жисмоний шахслардан ва **4 таси** юридик шахслардан келиб тушган.

Фуқаро авиация агентлигига келиб тушаётган барча мурожаатлар бевосита раҳбарият томонидан назоратга олинган. Агентликнинг мурожаатлар билан ишлаш аҳволи тизимли равишда мониторинг қилиниб, ҳар чоракда таҳлил қилиб борилмоқда.

Агентликнинг кенгайтирилган йиғилишларида ҳар чоракда мурожаатлар билан ишлаш аҳволи бўйича муҳокама қилиниб, камчилик ва муаммоларни бартараф этиш ҳақида тегишли кўрсатма ва топшириқлар бериб келинмоқда.

Шунингдек, Агентликнинг раҳбарияти ҳамда бўлим раҳбарлари, масъул ходимлари аҳолининг муаммоларини эшитиш ва уларни ҳал этиш юзасидан жойларда мунтазам равишда сайёр қабулларни ташкил этиш юзасидан жадвал тасдиқланган.